# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 12 декабр | 27- сон


## ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАР

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтоннинг яқинда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактубида Америка бизнесида Ўзбекистон имкониятларини аслида қандай бўлса шундай ўрганиш истаги пайдо бўлгани ҳақида сўз боради. Ички имкониятларни ҳар томонлама ўрганиш, мамлакат ва унинг халқи куч-қудратини чамалаш, келажакда турли иқтисодий, савдо-сотиқ муносабатлари ўзаро фойдали йўллардан бориб ривожланиши учун илмий аниқ прогнозлар қилиш бизнес учун сув ва ҳаводай зарур. Ҳақиқий бизнес фойда бериб фойда олади. Фойда олишни қисқа ўткинчи муддатга эмас, узоқ муддатга кўзлайди. У албатта таваккал ҳам қилади. Лекин таваккали қимордаги таваккалчилик эмас. Ҳақиқий бизнеснинг таваккали албатта илмий ишланган асосларга эга бўлади. Кўр-кўрона таваккал билан бизнес дунёда ҳеч иш қилолмаган бўларди.

Ўзбекистон Президенти Германияда сафарда бўлган чоғида ҳам бизнес доиралари «ички имкониятлар» деган тушунчани тез-тез тилга олиб турдилар. Германиянинг энг йирик ишбилармонлари, қудратли компанияларининг раҳбарлари ҳам Ўзбекистоннинг ички имкониятларини ўрганиш ва шу асосда бир қарорга келиш истагини изҳор қилдилар. Ички имкониятларни ўрганиш — Ўзбекистон бозорини ўрганиш ва шу билан бирга мамлакатнинг қурбини аниқлаш дегани экан. Бизнес бозор имкониятларини равшан тасаввур қилмай туриб маблағ сарфламайди. Маблағига маблағ қўшилишига кўзи етса маблағ тўкади.

Ички имкониятлар деган тушунча бозор билангина чекланмайди. У мамлакатнинг турли захиралари ва хусусан, меҳнат кучларининг малака, салоҳият ва қобилиятларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Ўзбекистон Президенти яқинда Андижонда бўлганида ўзбек ишчи-хизматчилари, техник ходимларининг янги юксак технологияларни қандай ўзлаштираётганликлари ҳақида қизиққани бежиз эмас. Янги саноат технологияларини кенг миқёсда ўрганиб, эгаллаб олиш жуда катта унум келтиради. Ҳозирги замонда халқнинг қурбатини кўтарадиган, миллатнинг яшаш қобилиятини зўрайтирадиган нарса худди мана шу — технологияларга юксалган малака ҳосил қилиш билан белгиланади. Ўзбек ишчиси, инженери, техник ходимларининг иши, маҳсулоти, айтайлик, немис ёки инглиз ишчиси ва инженерининг маҳсулоти билан рақобат қиладиган даражага етганда, ижтимоий кўтарилиш ва завол билмас юксалиш ўшанда бошланади.

Қобилиятсиз халқ бўлмайди. Фақат чархланган ва чархланмаган қобилиятлар, сайқалланган ва сайқалланмаган салоҳиятлар бўлиши мумкин.

Турли тарихий шароитларга кўра халқимизнинг техник ва технологик қобилиятларининг маълум бир қирралари чархланмай, сайқал топмай ётди. Техника дейилганда албатта четка мамлакатлардан келтириладиган, англаш қийин бўлган нарсалар мажмуаси тушунилди. Халқ ва миллатнинг қобилиятларини чархлайдиган ўрта ва кичик корхоналар тизимлари тараққий қилмади. Халқ ўртасида ривожланган техник малака ҳосил бўлмади. Ҳосил бўлгани эса бутун халқни кўтариш, қаддини тиклаш, миллий равнақ учун кифоя қилмади. Техник ва технологик қурбатлар ҳосил бўлмагач, халқнинг асосий қисми оз нарсаларга «қаноат» қилиб ўтиришга кўникиб қолди. Бугун мамлакат Президенти бутун кучларни ўрта ва кичик корхоналар яратишга тинимсиз чақираётгани бежиз эмас.

Жуда қадим замонларда бир Чин донишманди ҳар куни денгизда чўмилар экан. У денгизда қулоч отиб сузганда атрофида минглаб оқ чарлоқларнинг галалари бирга сузишар, у қайға бошласа, шу томонга боришар экан. Ҳамма бунга ҳавас қилар экан. Бир куни донишманднинг қари отаси: сенинг қошингга оқ чарлоқлар кўп учиб келармиш. Менга бировини тутиб берсанг-чи, ўйнагим келяпти, деб ўғлидан илтимос қилибди.

Ўғли эртасига денгизга келиб чўмилибди. Лекин оқ чарлоқлар унинг яқинига ҳам йўлашмабди. Фақат унинг тепасида айланиб, ҳеч пастга тушишмабди.

Кўринг, табиатда ҳам ишлар ниятларга кўра бўлар экан. Оқ чарлоқлар отанинг сўзини эшитиб қолдилармикин ёки донишманд ўғилнинг нияти бошқача бўлиб қолганлигини сезишдимикин? Қандай бўлмасин, ният ўзгарганлиги қушларга маълум бўлди. Улар энди донишмандга эҳтиёткорлик билан қарайдилар.

Ўзбекистон ҳозир ана шу донишмандга ўхшайди. Фақат сўзимиз тоза, ниятимиз тоза, қўлимиз тоза ва ниҳоят шулар воситасида юзага келадиган маҳсулотимиз тоза бўлса бас. Оқ чарлоқлар ҳеч қачон бизни тарк этмагай. Ўзбекистонга келаётган бизнесменлар, сиёсатдонлар, турли соҳаларнинг олий малакали олимлари ва мутахассислари ана шу оқ чарлоқлардай. Улар ниятимизга қараб биз билан денгизга кирадилар.

Биздан ҳозир кўп нарсалар талаб қилинади. Лекин асосийси: ўрганишга, ўзлаштиришга, маҳорат касб этишга муҳаббатимиз ва завқ-шавқимиз билан ишонч қозонайлик. Куни кеча Президент «халқ танлаган йўлига иймон келтирди», деди. Иймон келтирмоқ — ўз наздида ҳам, ўзгалар наздида ҳам, Худо наздида ҳам ишонч қозонмоқдир. Ишонч — ички чексиз имкониятлар очилмоғига калитдир.

**МУҲАРРИР**

## БАТИСТ — ҲАР БИР ХОНАДОНГА КЕРАК

**Наманган «ХОНАТЛАС» ҳиссадорлик жамияти корхоналари бизни батистга сероб қилмоқчи**

Авваллари Наманган аврли тўқималар корхонасида пилладан атлас ва беқасам тўқиларди. Бу маҳсулотлар энди омборларда йиғилиб қолди. Бунинг устига пилланинг таннархи ортди. Корхона маҳсулотлари сотилмай ётибди. Ярим йилдан бери ишчиларга маош тўлаш қийинлашди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Корхона раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлар сунъий газламалар ўрнига табиий хом ашёдан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак қандай бўларкин, дейишди. Хусусан, пахтадан ип йигирила бошлади. Ундан кўйлакбоп, фуфайка, матрас ҳамда костюмбоп сурп газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пахта ипидан чопонлик, кўрпачалик, беқасамлар, ишчи коржомаси учун материаллар ишлаб чиқариш кенгайди.

Ҳаммадан ҳам, ҳар бир оилага керак бўладиган батист газламаси чиқариш йўлга қўйилганлиги яхши бўлди, — дейди истеъдодли бош муҳандис Абдулхай Қаҳҳоров, — батистга ва бошқа газламаларга гул босиш учун Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидаги «Оқжибек» шойи тўқиш акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик қилаяпмиз.

Бугун корхонада 2500 дан ортиқ тўқимачилар меҳнат қилаяпти. Ҳар сменада 6 тонна пилла, 5 тонна пахта қайта ишланмоқда. Маҳсулотлар Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида очилган 20 та хос дўконларда сотилмоқда.

Келажакда Олмония билан ҳамкорликда матоларга гул босиш фабрикаси қурилади. «Принц-атлас» номи билан аталувчи қўшма корхона лойиҳалари тайёрланаётир. Яқин ойларда бир йилда 80 млн. метр газламага гул босиш имкони туғилади.

— Иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир корхона ходими учун синовдир, деганда ҳиссадорлик жамиятининг раиси Ҳакимжон Халилов ўн чандон ҳақ. — Чунки раҳбар иқтисодиёт илмини, бозор муносабатларини етук менежердек билмаса, ишлаши қийин бўлади. Ҳаёт тўхтаб турмайди. Ортиқча ишчи кучларини қисман қисқартиришга тўғри келди. Бироқ янги иш жойларини ташкил этишда ҳам бирмунча муваффақиятларимиз бор.

**Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ**



## АНРИ МАТИСНИНГ УКАСИ ОРТИҚАЛИ

*Куни кеча Бош қонунимиз байрами арафасида Республика Маърифат ва маънавият марказида рассом Ортиқали Қозоқовнинг суратлар кўргазмаси, янги чиққан асарлар албомининг тақдимномаси бўлиб ўтди. Наманганнинг Санг қишлоғидан чиққан йигитнинг шунчалар ранглар дунёсига эга эканлиги ростдан ҳам одамни ҳайратга солади. Ортиқжоннинг кўп кўргазмалари бўлган. Унинг асарларига бир кўзи тушган одамнинг юраги жиз этмай ҳеч иложи йўқ.*

*Мана, ёзувчи, журналист Ашурали Жўраев, «Азиз» фирмаси президенти Шамсиддин Хўжаев ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ҳамкорликда Ортиқжоннинг ажойиб албомини чиқаришди. Бу албомни ошиқона деб аташ мумкин. Ортиқжоннинг ватанга, унинг рангларига ва юртдошларига муҳаббати бунда минг бир рангларга товланиб, чулғаниб намоён бўлгандир.*

*Ортиқжоннинг суратларини соатлаб томоша қилиш мумкин. Соатлаб ва ҳатто йиллаб томоша қилсангиз ҳам, уларнинг сирлари ҳеч тугамайдигандек туюлади. Дилингизга қувонч сел бўлиб оқади.*

*Ортиқжоннинг асарлари улуғ француз импрессионист рассомлари асарларидаги ранглар пўртаналарини ёдга солади. Лекин уларни такрорламайди. Балки миллий заминда ривожлантиради. Шунинг учун биз уни буюк Матиснинг укаси дегимиз келди.*

*Ортиқжон ва унинг тенгдошлари учун яна бир хос нарса — улар истиқлол рассомларидир. Истиқлол ва эрк уларга олам эшикларини очди. Истеъдодларини парвозга ундади.*

***Парвозингиз бардавом бўлсин, йигит!***

**«МТ»**



*ФАЛСАФИЙ ГУРУНГ*

## МИЛЛАТМИ ЁКИ СИНФ?

Инсоният ўз тараққиётининг ҳар палласида жамият ривожланишини таъмин этувчи янги кучлар, янги ижтимоий ва сиёсий омиллар топган. Бу жиҳатдан бизнинг XX асримиз алоҳида ўрин тутади десак, янглишмасмиз. XIX асрнинг ўртасига келиб, инсоният ўз тараққиётида ўта мушкул ва чигал муаммолар, ниҳоятда чалкаш зиддиятлар гирдобига кириб қолди. Олам, бир томондан, бир-бирига қарама-қарши турган икки ижтимоий синфга бўлинди ва бу қарама-қаршилик йил сайин кескинлашиб бориши очиқ-ойдин кўриниб турди. Иккинчи томондан эса, Ер курраси жўғрофий жиҳатдан ҳам хилоф, бир-бирини инкор этадиган икки қисмга ажралиб мустамлакачи давлатлар ва мустамлака бўлиб, забт этилган мамлакатлардан иборат бўлиб қолди.

Жаҳонда ижтимоий тараққиёт тамойили ўша даврда шундай эдики, бу икки гуруҳдан иборат зиддиятлар ҳукмрон тузумнинг моҳияти билан боғлиқ бўлиб кўринар эди. Шундай оғир вазиятда боши берк кўчага кириб қолган инсониятга Карл Маркс ва Фридрих Энгелс йўл кўрсатмоқчи бўлдилар. Уларнинг таълимоти бўйича, жамиятда сони ва салмоғи ўсиб бораётган ишчилар синфи бутун дунё бўйлаб бирлашиб, зулм, адолатсизлик ва тенгсизлик жамиятини барбод қилиши лозим эди, унинг ўрнига эзилганларнинг барча орзуларини ушайдиган, зулмсиз, адолатли давлат бунёд этиши керак эди. Демак, ишчилар ҳал қилувчи синф дейилди.

Юз йилдан ошиқ давом этган тарихий давр ичида бу таълимот жаҳон бўйлаб ғолибона ёйилди, бу таълимотни жаҳоннинг 3\1 қисмини ташкил қилувчи давлатлар ижрога қабул қилдилар. Лекин, XX асрнинг охирги чораги бўсағасида Маркс ва Энгелснинг социализм ва ишчи синфи ҳақидаги таълимоти хато ҳамда истиқболсиз эканлиги жаҳон тараққиёти амалиётида тасдиқ бўлди.

Коммунистик таълимот шунинг учун ҳам тарих саҳнасидан тушиб кетдики, у ўзи табиат ва жамият доимий ривожланишда деб ўргатган ҳолда, сармоядорлар тузумини ва ишчилар синфини бу умумий қонундан чиқариб, ўзгармас деб қаради ва талқин қилди. Ҳолбуки, «Коммунистик партия манифести» босилиб чиққандан кейин ўтган деярли бир ярим аср ичида Маркс-Энгелс шафқатсиз танқид қилган жамият тубдан ўзгариб кетди. Биз шу давр ичида «Йўқолсин бойлар!» деган шиорни амалга ошириш билан овора бўлган бўлсак, Ғарбда «Йўқолсин камбағал ва қашшоқлар!»ни маъқул кўрдилар ва бу борада илғор техника, янги технология ёрдами билан жиддий ютуқларни қўлга киритдилар, тараққиёт манбаини топдилар.

Маркс ва Энгелс даврида техника ва технология шу даражада эдики, ҳақиқатда ҳам ишчилар синфи жамиятдаги энг йирик, энг уюшган ва энг жиддий курашларга тайёр синф бўлиб кўринарди. Илмий-техника ривожи, фан ва технологиянинг узлуксиз такомиллашуви натижасида кейинги ўттиз-қирқ йил ичида саноатда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда вазият тубдан ўзгарди, йил сайин ишчилар синфининг жамиятдаги сони ва салмоғи камайиб бораверди ва бормоқда. Уларнинг ўрнини автомат ва яримавтомат машиналар, қурилмалар, компютерлар, электрон ҳисобловчи мосламалар ва бошқалар кенг равишда эгаллай бошладилар. Илғор мамлакатларда автоматлаштириш сабабли ишсиз қолган ишчилар ва мутахассисларни давлат аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтира бошлади. Масалан, Голландияда ишга яроқли аҳолининг деярли етмиш фоизи аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари билан банд.

**Давоми учинчи бетда**

*НОНИМИЗ БУТ БЎЛАДИ*

## Уруғчилик халқаро кенгашида

Дунёда умумжаҳон муаммоларини ечиш учун бир неча халқаро ташкилотлар тузилган. ФАО ташкилоти ҳам ер юзида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни режалаштириш мақсадида тузилган бўлиб, бир неча йиллардан буён илмий-амалий иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда ФАОнинг 16 та бўлими мавжуд. Уларнинг ҳар бири қишлоқ хўжалигининг маълум бир соҳалари-ғалла, чорва, маккажўхори, шоли каби экинлар етиштириш суратини кўтариш борасида изланишлар олиб боради.

ФАОнинг ана шундай тармоқларидан бири — ғаллачиликни ривожлантириш бўйича фаолият кўрсатаётган Суриядаги «ИКАРДА» бўлими Марказий ва Ғарбий Осиё давлатларининг қурғоқчил ҳудудларида ғалла етиштиришни йўлга қўйиш масаласида уюштирган анжумани 5-9 декабр кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтди.

Анжуманда дунё олимларидан «ИКАРДА» илмий марказининг бош директори, профессор, доктор Адел Эманд Тавфиқ Эл Белтаги, Германия техника марказидан доктор Иохим Валик ва Уте Хейнбуш. Усимликлар генетикаси асослари халқаро институтидан доктор Ёвуз Адхам, «СИММИТ» илмий марказидан профессор С. Бенивал ва бошқа халқаро ташкилотларнинг 15 вакили, қўшни мамлакатлар қишлоқ хўжалик академияси перзидентлари: Қозоғистондан академик Ғани Калиев, Тожикистондан академик Бобо Сангиев, Туркманистондан академик Ражаб Байрамов, Арманистондан академик Сергей Казарян, Грузиядан академик Валериан Метревели, Қирғизистондан Жиянбек Батиканов, Озарбойжондан Халил Мустафоев каби кўплаб йирик олимлар иштирок этдилар.

Анжуман қатнашчиси, Марказий Осиёда ягона Ғаллаорол ғаллачилик институтининг директори Қурбон Эшмирзаев юртимизда ўтаётган бу анжуманнинг аҳамияти ҳақида шундай деди:

— Республикамизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида олиб борилаётган изланишлар даврида бундай анжуманнинг Тошкентда бўлиб ўтиши ғоятда аҳамиятлидир. Бу борада дунё олимларининг эришган ютуқлари анжуманда муҳокама қилинди. Янги яратилган буғдой навларига шундай талаблар мавжудки, улар қурғоқчиликка, иссиққа чидамли, дашт жойларда шамолда синмайдиган, ҳар хил касалликлар таъсир этмайдиган бўлиши зарур.

Қурилаётган намуналар бизнинг юртимизда ҳам синалади, натижалар маъқул топилса, кўпайтирилади.

— Юртимизда ғаллачилик соҳасидаги муаммолар нималардан иборат?

— Яратилган янги навлардан Ўзбекистон ҳудудида ҳосил олишда баъзи муаммолар туғилади. Албатта, янги навларни ҳар томонлама текшириш, кўпайтириш, замонавий техника асосида экиб-йиғиштириб олишнинг ўзига яраша турли масалалари мавжуд.

Бу масалалар Президентимиз Ислом Каримовнинг диққат эътиборида турибди. Бундай эътибор чиқарилган зарур қарорлар билан бирга амалий ишда ҳам ўз аксини топган. Бир мисол. 1991 йилда ғаллазорлар майдони 195 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткични 1 млн. 200 минг гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Бошқача айтганда, 1996 йилда Ўзбекистон ғалла мустақиллигига ва ҳатто четга маълум миқдорда дон чиқаришга эришади.

**Б. ПИРНАФАСОВ**

## «Миллий тикланиш»га ОБУНА ДАВОМ ЭТЯПТИ

*Бу сизнинг янги газетангиз, миллий ҳаёт, миллий тарраққиёт, маданий, маърифий, маънавий гўзаллик, сиёсий баркамолликка интилиш газетаси!*

**ОБУНА НАРХИ**

*Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда Якка тартибдаги обуначилар учун:*

***нашр индекси — 64618***

*6 ойга — 132 сўм 90 тийин*

*12 ойга — 265 сўм 80 тийин*

**Ташкилотлар учун:**

***нашр индекси — 64619***

*6 ойга — 159 сўм .*

*12 ойга — 318 сўм .*

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА**

*Якка тартибдаги обуначилар учун уйга етказиб берилган ҳолларда:*

*6 ойга — 104 сўм*

*12 ойга — 208 сўм*

***Ташкилотлар учун:***

*6 ойга — 165 сўм*

*12 ойга — 318 сўм*

*1916 йил миллий-озодлик ҳаракатининг 80 йиллиги олдидан*

# МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

**(СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. 1916 ЙИЛ)**

### ЯНГИБОЗОРДА

XIX асрнинг 80-90-йилларида Туркистон генерал губернаторлиги таркибида бешта: Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва каспий орти вилоятлари ташкил топган эди. Улар орасида Сирдарё вилояти ҳар жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллаб, маркази Тошкент шаҳри ҳисобланган. Вилоят таркибига Тошкент, Авлиёота, Казалин, Перовский ва Чимкент уездлари ҳамда Амударё бўлими кирган.

Маълумки, 1916 йил қўзғолони даставвал Тошкент шаҳрида бошланиб, сўнгра ўлка бўйлаб таралди. Бу ҳақда 1917 йил 3 январда бош ҳарбий прокурор ёрдамчиси генерал Игнатев шундай ёзган эди: «Бошқа ердан келган элчилар Тошкентнинг мардикорларни бериш ёки бермаслик ҳақидаги қарорини кутиб турдилар. Тошкентдаги халқ кўтарилишини (11 июл қўзғолони назарда тутиляпти) кўрган элчилар зудлик билан бу хабарни ўз жойларига етказдилар. Шундан сўнг оммавий тартибсизликлар тезда Фарғона, Сирдарё ҳамда Самарқанд вилояти уездларини кенг қамраб олди».

Дарҳақиқат, 12-14 июл кунлари халқ қўзғолонлари Сирдарё вилояти ва Тошкент вилоятларининг деярли барча уездларига тарқалди.

Чунончи, 12 июл куни Хитойтепа волостинннинг Янгибозор қишлоғида Хонабод участкаси пристави Жалолтепа, Хитойтепа, Қўшқўрғон ва Еттикент волостларининг элликбошлари ва халқ вакилларини тўплаб императорнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини тушунтирди. Бу фармонга итоат этиш лозимлигини, унга қарши чиқиш бефойда эканлигини уқтирди. Шунга қарамай тўпланганлар участка приставига мардикорликка одам беролмасликларини, агар бу борада ўзбошимчалик ёки зўравонлик қилинса, бутун халқ кўтарилиши мумкинлиги айтдилар. 13 июл куни пристав таклиф этилган элликбоши ва қишлоқ вакилларига, подшо фармонини бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, бу борада уларнинг рози ёки норозилиги ҳокимларни қизиқтирмаслиги, зудлик билан ўз жойларига бориб, буни халққа тушунтиришларини ҳамда пайдо бўлган турли-туман миш-мишларга барҳам беришларини буюрди.

### ХОНАБОДДА ҒУЛУВ

Янгибозор қишлоғида ўз ниятларини амалга ошира олмаган участка пристави 14 июл куни Хонабодда Кенжаҳол, Ҳурдон, Облок ва Тиллаҳовуз волости қурултойини чақирди. Ушбу қурултойга таклиф этилганлардан ташқари бошқа вилоят ва қишлоқлардан кўплаб одамлар қатнашди. Бу ерда ҳам пристав тўпланганларга қарата оқ подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига бўйсуниш ерли халқнинг бурчи эканлигини, унга итоат этмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, умуман фармонга бўйсунмасликни хаёлига ҳам келтирмаслик, халқ орасида тушунтириш олиб бориш лозимлигини уқтирди. Бундан ғазабланган жамоа «мардикорликка ҳеч кимни бермаймиз», «амалдорларни ур» деб бақиришиб волост раҳбарларига танланишади. Бундан чўчиб кетган Кенжаҳол волост бошқарувчисининг шахсий қўриқчиси Боймурод исмли йигит аюҳаннос солиб атрофида турган соқчилардан ёрдам сўрайди. Оломон унга ташланиб пичоқ билан яралайди. Кенжаҳол волости бошқарувчиси ушбу йиғинда иштирок этаётган уруғ-аймоқлари ёрдамида жонини асраб қолишга муваффақ бўлади. Участка пристави ҳам қўзғолончилар ҳамласидан аранг қутилиб, ўз уйига кириб олади. У Ёқубжон исмли таржимон йигитга, тиллаҳовузлик муаллим Воронежскийга милтиқ бериб, ўзи эса шахсий қурол билан қуролланиб оломонни ўқ узиб ҳайдаш пайига тушади.

### ТЎЙТЕПА ТОМОНЛАРДА

13-14 июл кунлари халқ қўзғолони Тўйтепа, Пискент, Оққўрғон, Бўка ҳамда Майдонтол волостларига ўтади.

Бошқа жойларда бўлгани каби бу ерлардаги қўзғолончилар ҳам бутун юртнинг бошига кулфат тушиб турган пайтда мустаклакачиларга малайлик, тилёғламалик қилаётганларга, ўзларини ўйлаб, бирор мансабли бўлиб қолиш ниятида хиёнат кўчасига кирганларга қарши курашдилар. Чунончи, волост бошқарувчиларининг мулки, уй-жойи яксон қилинди, пинхона тузилган рўйхатлар ёқиб ташланди.

Қўзғолонлардан хабар топган Тошкент уездининг бошлиғи Н. Н. Караулшиков 19 июл куни Тўйтепа, Пискент ва Хонабод қишлоқларига бориб рамазон ҳайит байрами муносабати билан йиғилган мусулмонлар олдида, бозорларда маъруза қилиб, маҳаллий аҳоли вакилларини мардикорликка жалб қилиш Олло таолонинг иродаси эканлиги, бунга бўйсунмаса, қишлоқларга ҳарбий қисмлар киритилиб, ҳарбий ҳолат ўрнатилишини маълум қилади...

Лекин халқни на дўқ-пўписа, на ҳарбий қўшинлар, на ҳарбий ҳолат эълон қилиниши чўчита оларди. Аксинча, 21-22 июл кунлари халқ қўзғолони янада кучайиб кетди. Тошкент уездига қарашли Занги ота волости йирик халқ ҳаракати сабабли маҳаллий аҳоли вакилларини мардикорликка жалб этиш масаласини муҳокама қилиши керак бўлган волост бошқарувчиларининг кенгаши бузилди.

### ЯЛЛАМА ЎРОВИ

Бу пайтга келиб, Алтиков ва Жасуқум волости қишлоқларида истиқомат қилувчи қозоқлар ҳам бош кўтариб чиқдилар. Бошланган исён ҳақида участка пристави «Олти мингга яқин оломонга бас келиш жуда қийин бўлаяпти. Қудратли оломон тўдаси 123-разъезддаги полиция кучидан устунлиги сабаб уларни ўраб олмоқда», деб Тошкентга таҳликали телеграмма жўнатиб, зудлик билан ёрдамга ҳарбий қисмни юборишларини сўрайди. Участка пристави ёрдам келгунга қадар ўзига қарашли 12 отлиқ аскарни олиб халқ ғалаёни авжига чиқаётган Чиноз волости ҳудудидаги Яллама қишлоғига кетади. Бу ерга тўпланган минглаб киши чор ҳукумати маъмуриятида хизматда бўлган бир неча масабдор шахсларни ўраб олган эди.

«Фақат элликбоши билан суҳбатлашаман», деб туриб олган участка пристави ҳамда унинг соқчиларини ўраб олишга ҳаракат қилади. Ўртада қолиб кетишдан қўрққан пристав Худоёрхонов 123-разъезд томонга чекина бошлайди.

Ўз аскарларини занжир усулида атрофга ёйиб жазо отряди етиб келгунча, оломонни ушлаб туришга аҳд қилган Худоёрхонов ниятига эришади. Орадан кўп вақт ўтмай етиб келган ўқчи ротаси иккига бўлиниб Яллама қишлоғига кириб келади. Ҳарбийлар қуролсиз халққа қарата ўқ узиб, Алтиков ва Жосуқум волости қозоқларининг исёнини бостиришга муваффақ бўладилар.

Тошкент уездидаги халқнинг энг йирик кўтарилиши Тўйтепа волостида юз берди. 21 июл куни Пискентдан 25 нафар ҳарбий аскарни етказиб келган участка пристави Ковдишев ўз хоҳиши билан мардикорликка одам бермаётган халқнинг таъзирини бериш, мажбурий мардикорликка сафарбарликни амалга оширишни ният қилган эди. Шу ҳолатда волостда йиғилиш чақирилади ҳамда Тўйтепа волости қишлоқлари бўйича мардикорликка сафарбар этилувчилар рўйхати тузилади. Иш битгач, пристав тўрт соқчисини волост бошқармасида қолдириб ўзи Пискентга қайтади. Волост бошқарувчиси ва элликбошиларнинг пинҳона рўйхат тузиб берганликларидан нафрати қўзиган халқ 22 июл куни эрталабдан Тўйтепа волости бошқарувчиси Бекмуҳаммад Маллабоев уйи олдида тўплана бошлайди. Қўлига илинган нарсалар билан қуролланганлар сони бир зумда бир неча минг кишини ташкил этади. Бошқарма маҳкамасида қолган тўрт ҳарбий аскар шошиб, халқни ҳайдаш мақсадида уларга қарата милтиқдан бир неча бор ўқ узиб уч қўзғолончини ўлдириб қўяди. Воқеанинг бундай фожиавий тус олиб кетишини кутмаган халқ аскарларни тилка-пора қилиб ташлаш ниятида бинога ҳужум қилади. Лекин аскарлар қочиб кетишга муваффақ бўладилар. Волост бошқарувчиси уйига бостириб кирган қўзғолончилар, мавжуд мол-мулкини яксон қиладилар, мустамлакачиларга хизмат қилгани, сотқинлиги учун волост бошқарувчисини ўлдирадилар.

Халқ қўзғолонларини бостиришда анча тажрибага эга бўлиб қолган мустамлакачилар зудлик билан участка пристави раҳбарлигида 60 кишидан иборат ҳарбий қисмни Тўйтепага жўнатишади. Улар қўзғолонда фаол иштирок этган 70 кишини ҳисбга оладилар. Лекин бу билан вилоятда халқ қўзғолонлари олдини олиш мумкин бўлмади. Тўйтепадаги тартибсизликлар тезда Пискентга етиб борди. Пискентликлар ён қўшнилари билан фикр, мақсадлари бир эканлигини билдирадилар.

«Бугун эрта тонгдан Қорасув томондан йиғилган мингдан зиёд туб аҳоли урядник (чор армиясининг энг қуйи унвони) Кабаев бошлик тўрт киши қўриқлаётган волост бошқарувчиси уйига бостириб кела бошладилар. Оломон волост бошқарувчисини ўлдириб, уйини талон-тарож қилди. Қўриқчилар аввал қурби етганларича ўзларини ҳимоя қиладилар. Кейин урядник билан бирга оломон тўдасини ёриб ўтиб, Пискент қишлоғига келдилар. Мен ўша заҳотиёқ ўз одамларим билан Тўйтепа қишлоғига етиб келдим. Кўчада бирон одам кўринмас, дўконлар ва савдо расталари ёпиқ, маҳкама яксон қилинган эди», деб 22 июл куни Пискент участка пристави В. П. Ковдишев Тошкент уезди бошлиғи Н. Н. Караулшчиковга шошилинч хабар жўнатган эди.

Ушбу шошилинч хабарни олган Н. Н. Караулшчиков Пискент участкаси, жумладан Тўйтепада бўлиб ўтган тартибсизликлар ҳақида Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори А. С. Галкинга қўзғолонни бостириш учун ҳарбий қисм сўраб шошилинч телеграмма жўнатди.

1916 йилнинг 23 июн куни соат иккиларда вилоят ҳарбий губернатори Тошкент уезди бошлиғининг ёрдамчиси подполковник А. И. Афанасевни ўз ҳузурига чақириб, зудлик билан жазо отрядини олиб Тўйтепага боришни, участка пристави хабарини жойда ўрганишини, агар тўйтепаликларнинг қўзғолонини бостириш учун жазо отрядини кучи етмаса, ҳарбий қўшин сўрашини буюради. Вилоят ҳарбий губернаторининг катта ваколатига эга бўлган подполковник А. И. Афанасев ўша куниёқ Туркистон ҳарбий губернаторлигида қўним топган 1-Сибир ўқчи полкининг 100 аскаридан иборат гуруҳи ва 732-дружинанинг 1 пулемёти билан Тўйтепага йўл олади.

### ҚОРАСУВДА МАШЪУМ КУНЛАР

Отряд Қорасув қишлоғига етиб келганида доим гавжум бўладиган кўчаларда ҳеч ким йўқ, барча савдо расталари ёпилган эди. «Беш чақирим йўл юриб Тўйтепага етиб келганимда ҳам шу аҳволни кўрдим, — деб ёзган А. И. Афанасев Тошкент уезди бошлиғи номига 1 август куни битган рапортида, — ниҳоят Тўйтепадан икки чақирим нарироқдаги полковник Жўрабеков қароргоҳи яқинида Пискент учтасткаси приставининг отрядини учратдим. Улар 60 кишидан иборат бўлиб, биз етиб келгунча 70 кишини ҳибсга олишган экан. Участка пристави Ковдишев 21 июл куни Тўйтепада бўлганлигини, 25 қуйи амалдорлар ёрдамида волост йиғилишини чақирганлигини, Тўйтепа волостининг ён-атрофидаги қишлоқларда мардикорликка олинувчилар рўйхатини наряд бўйича тузиб чиққанлиги ҳамма волост бошқармасининг тўрт нафар қуйи амалдорларини у ерда назорат учун қолдирганлигини, қолган одамлари билан Пискентга келганлигини айтди».

Пискент пристави таъкидлагандек, участкадаги энг катта қўзғолон Тўйтепа қишлоғида содир бўлган. 22 июл куни соат эрталаб олтиларда волост бошқарувчиси уйи олдида ўз норозилигини билдириб минглаб одамлар тўпланди. Волост бошқарувчисининг тўрт соқчиси айвондан туриб оломонга қарата ўқ узди. Бунинг оқибатида оломон орасидан уч киши ҳалок бўлади.

Ғазабланган халқ соқчиларга қараб дарҳол ўқ узишни тўхтатишларини , акс ҳолда тилка-пора қилиб ташлашларини билдиради.

Соқчилар ўқ узишни тўхтатади, лекин халқ қасосидан қўрқиб бекинишга ва шу йўл билан Пискентга бориб олишга муваффақ бўлади. Оқ подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонидан ва уни амалга оширишга қатъий аҳд қилган волост бошқарувчисидан ғоят нафратланган халқ унинг уйига бостириб кириб, ўлдиради, девордаги подшо суратини, барча ҳужжатларни ҳамда унинг шахсий қўриқчиси Кабаевнинг барча мол-мулкини ёқиб юборади.

Бу тўполондан хабар топган Пискент участкаси пристави Ковдишев ўз аскарлари билан Тўйтепага етиб келганида қўзғолончилар атрофдаги қамишзор, тўқайзор ва боғларга кириб яшириниб олишга муваффақ бўладилар. Ҳалок бўлган волост бошқарувчиси Бекмуҳаммад Маллабоевнинг яқин қариндошлари, уруғ-аймоқлари кўрсатмасига биноан Ковдишев ушбу тартибсизликларда фаол иштирок этган 70 кишини ҳибсга олади. Тўйтепа қўзғолонида айниқса Равотак қишлоғи аҳли фаол иштирок этади. Чунки ушбу қўзғолондан бир неча кун олдин қишлоқ хўжалари уйма-уй юриб, подшо фармонига бўйсунмасликларини, чунки, улар ўзбекларни мардикорликка эмас, аскарликка олаётганлигини, бегона юртда ўлганлар руслар билан бир қабрга кўмилишини айтиб, бу мусулмончиликка зид экани ҳақида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борадилар. Айни пайтда, равотакликлар Қорасув қишлоғига келишиб, императорнинг аҳолини мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига бўйсунмасликлари, барча дўконларни беркитиб, ҳар қандай савдо-сотиқ ишларини тўхтатишларини сўрайди.

Тўйтепа қўзғолони тепасида Тўйпепа қозиси Али Муҳаммад Худойберганов турган. Тўйтепалик мулла Сўфи Тошбердибоев, Искандар Мақсуд, Равотак қишлоғи бийи Д. Жиянбеков, бийликка биринчи номзод Нормуҳаммад Утагенов, ҳамда равотаклик Азизхўжа Азлархўжаев, Аъзамхўжа Шомуҳаммад Хўжаев ва Муҳаммадёр Умархўжаевлар ушбу қўзғолонни ташкил этишда фаол иштирок этдилар. Улар халқ орасида подшо фармонининг асл моҳиятини ва ундан кўзланган асосий мақсад ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришиб, бирданбир йўл мустамлакачилар зулмига қарши бош кўтаришлигини таъкидладилар.

Тўйтепа қўзғолони ҳақидаги хабар бутун Пискент участкаси бўйича тез тарқалиб кетди. Кетма-кет бош волостлар ҳам ўз норозиликларини ошкора намоён эта бошладилар. Тўйтепаликларнинг мустамлакачилар сиёсатига қарши қўзғолон кўтарганлигидан хабар топган Усмон ота волости аҳолиси ўз биродарларига мадад бўлиш учун шу заҳотиёқ Тўйтепага йўл ола бошладилар. Оққўрғон волости аҳолиси қўзғолон кўтариб, волост бошқарувчисини ўлдириш мақсадида маҳкамага ҳужум қилди. Халқ ғазабидан қўрқиб кетган волост бошқарувчиси яширин йўллар билан Пискентга қочиб кетишга муваффақ бўлди. Бўка волости бошқарувчиси ҳам тартибсизликлар бошланган заҳотиёқ, қамишзордан паноҳ топиб, сўнг Пискентга келиб жонини асрайди. Кариз волостида эса қўзғолон кўтарган халқ волост бошқарувчиси уйига бостириб кириб, унинг маҳкамасини, мардикорликка тузилган рўйхатни йўқ қилиб ташлайди. Волост бошқарувчиси эса рус кийимини кийиб (баъзи манбаларда рус аёли кийимини кийиб дейилган) Пискентга қочиб кетишга аранг улгуради.

### ТАРТИБ ЎРНАТИШ БАҲОНАСИДА

Қўзғолоннинг бундай тус олиши мустамлакачиларни анча ташвишга солиб қўяди. Лекин жазо отряди билан бирга Тўйтепага йўл олган Афанасев ўзгача фикрда эди. Унда операцияни муваффақиятли тугатиб, раҳбарлар олдида ўз хизматини кўрсатиш кайфияти баланд эди. «Содир бўлган жиддий тартибсизликлар катта ҳудудни эгаллаб олди, — деб ёзади 1 август куни битган ўз рапортида. — Натижада рус аҳолиси истиқомат қилаётган қўрғонлар ҳимоясиз, хавф остида қолдилар. Агар қўзғолончилар томонидан ушбу қўрғонларга ҳужум уюштирилгудек бўлса, мен отрядим билан Пискент участкасида бўлганлигим учун барча айб менга тушар эди. Шунинг учун зудлик билан тартиб ўрнатишни ва ерли аҳолини оқ подшонинг фармонларига итоат этишларини амалга оширишим лозим эди. Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишим лозимки, қаерга бормай рус хонадонларига дуч келдим. Улар мендан ёрдам сўрашар, ҳимоя қилишимни талаб этишарди. Уларнинг ҳарбий қисмда тунаш ҳоллари ҳам содир бўлди».

Тўйтепа қўзғолонида иштирок этганлардан 70 киши қўлга олиниб, ҳибсхонага жўнатилди. Ковдишев уларнинг шахсиятларини аниқлашга киришади. Лекин қўзғолон кенг тус ола бошлагач, Афанасев қўлга олинганларни қўриқлаш учун бир зобит раҳбарлигида қўриқчи ва соқчиларни қолдириб, пристав ўзининг 30 отлиқ аскари билан унга қўшилишини буюрди. Афанасев тиш-тирноғигача қуролланган аскарлари билан бирин-кетин Тўйтепа, Усмон ота, Оққўрғон, Бўка ва Кариз волостларида тартиб ўрнатишни ва мардикорлар рўйхатини тузишни режалаштиради. Шунингдек, Афанасев қўзғолонни бошлаб берган тўйтепаликлар адабини бериб қўйишга қарор қилади. Тўйтепа қўзғолонидан кейин етиб келган Афанасев, 24 июл куни эрталаб халқни тўплашни буюради. Подполковникнинг бу фармойиши, Тўйтепада деярли қўзғолон иштирокчилари қолмаганидан амалга ошмайди, бундан ғазабланган Афанасев ўз кучини, нимага қодир эканлигини кўрсатиб қўйишга аҳд қилади. У ўз аскарларига уйларни, тўқайзор ва боғларни титиб ҳамма яширинганларни олиб келишни, қаршилик кўрсатганларни қамчилашни, бўйсунмаганларга нисбатан қурол ишлатишни буюради. Жазо отрядининг зобитларидан бирига уйма-уй юриб барча отларни олиб келишни амр этади. Орадан кўп вақт ўтмасдан аскарлар қамчин билан савалаб ҳар томондан ерли аҳоли вакилларини волост бошқарувчиси уйи олдига ҳайдаб кела бошлайди. Мавжуд 325 хонадондан 200 га яқин киши олиб келинади. Афанасев шу ерда аввал ёқиб ташланган рўйхатни тиклашларини, мабодо подшо фармонларига итоат этилмаса, ҳеч иккиланмай қурол ишлатишни буюради. Тўпланганлар подполковникнинг бу дўқ-пўписасидан ҳеч чўчимай волост бошқарувчиси ўлдирилишидан бир кун олдин участка пристави томонидан тузилган мардикорлик рўйхатини қайта тиклашдан бош тортадилар.

### МАЪМУР ЖАЗАВАГА ТУШГАЧ

Жазаваси қўзиган Афанасев унинг гапи икки қилинадиган бўлса, шу ернинг ўзида ҳаммани пулемёт билан қириб ташлашини билдиради. Ана шундан кейингина жасур тўйтепаликлар чорасиз бош эгиб, мардикорлар рўйхатини тиклаб беришади.

Афанасев бу билан қаноатланмайди. «Тўйтепада, қўзғолон марказида шундай иш қилишим керакки, бошқалар буни эшитиб юраклари така-пука бўлсин», деган фикрда қабиҳ режа тузади. Шундай қилсам, бошқа жойга борганимда ишим осон кечади, ҳар қандай бош кўтаришлар олдини тез оламан, деган хаёлга боради. Афанасев узоқ ўйлаб ўтирмасдан одамларига Тўйтепа қўзғолони ташкилотчилари, йўлбошчилари ва фаоллари уйи ҳамда барча мол-мулкини ёқиб юборишни буюради.

Қишлоқнинг ҳар ер-ҳар ерида ёнғин кўтарилганлигини кўрган қамишзорлардаги қочқинлар ўзларини қишлоққа урадилар.

Айниқса, гуриллаб ёнаётган Тўйтепа қозиси Алмат Худойберган уйини сақлашга кўплаб одамлар чиқиб келади. Буни кутиб турган Афанасев пистирмадан чиққан қўзғолончиларга қарши ўқ узишни буюради. Бунда қанча қўзғолончи ўлдирилганлиги номаълум. Чунки қўзғолончилар ярадор ва ҳалок бўлганларнинг кўпларини олиб кетиб қайта яширинишга муваффақ бўлдилар. Кўчада ётиб қолган ярадорлар ва жаллодлар ўқидан ҳалок бўлганлар сони 20 га яқин кишини ташкил этган.

Тўйтепаликларни «бебошлиги» учун қақшатғич жазолаган Афанасев жазо отряди Қорасув қишлоғига йўл олади. Тўйтепа қирғинларидан хабар топган қорасувликлар биринчи талабдаёқ йиғилиб, мустамлакачилар кўнглидагидай мардикорлар рўйхатини тузиб беради. Афанасев Тўйтепанинг кулини кўкка совуришдан кўзлаган мақсади амалга ошаётгандай эди.

Тўйтепа қўзғолони баҳонасида Тошкент уезди волостларида қирғин қилиб юрган Афанасев жазо отрядининг фаолиятидан манфаатдор мустамлакачилар дарз кетган мустамлака мустаҳкамланаётганлигидан хурсанд эдилар.

**Ойгул СУЮНОВА**

# ЎН ЙИЛ ЯРАТИЛГАН АСАР

Алишер Навоий филмини мен ҳам кўп қатори қайта-қайта кўрганман, завқ олганман. Ўзбек киносининг тўйи муносабати билан уни яна бир бор синчиклаб ўргандим. Сўнгра режиссёр Комил Ёрматовнинг хотира китоби — «Кечмишларим»ни яна варақладим, ҳаяжонландим, фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Шу боис миллий кино санъатимизнинг шоҳ асарларидан бири бўлган бу филм ҳақида ҳикоя қилиш истаги туғилди. Уни ҳозир 90-йиллар нуқтаи назаридан баҳолаш зарур кўринди.

Буни қаранг-а! Бир филм устида салкам 10 йил ишланибди. 1939 йили бошланган ҳаракат 1948 йилга келиб якунланибди. Қатағон даври ҳам, уруш йиллари ҳам бу асар, унинг образлари, бадиий тўқимаси ҳақида пухта ўйланиб, бақувват сенарий, монументал асар яратиш йўллари изланибди. Дарҳақиқат, бобомиз Навоийнинг нурли сиймосига фақат шундай масъулиятни сезган ҳолда ёндашиш мумкин.

Айрим лавҳаларни эслайлик. Филмда Ҳусайн Бойқаро ва Ёдгорнинг бирбирига қаҳр-ғазаби, нафрати қиличбозлик эпизодида сўзсиз тасвир, хатти-ҳаракат ила кўрсатилган. Қиличларнинг қаттиқ зарб билан уришлари, ғазаб тўла ёнган кўзлари билан қарашлари улар орасида кучли адоват борлигидан далолат бериб туради. Йиллар ўтиб улар яна тўқнашади. Ҳусайн ва Ёдгор аскарлари ўртасида кескин жанг бўлади. Шунда темурийлар орасидаги даҳанаки жанг шовуллаб оқаётган дарёда бўлиб ўтади.

«Саҳнани сой бўйига кўчиришимнинг сабаби, ўшқириб оқаётган сой гўё қаҳрамонлар қалбидаги тўфонли ғазабни бўрттириб кўрсатаётгандай бўлди», — деб ёзган режиссёр хотираларида.

Ҳусайн Бойқаро саройидаги базм саҳнасини суратга олишда рассом В. Еремян, оператор М. Краснянский ҳам сидқидилдан ишлаганлар.



Кўзбойлоқчи хитойнинг қора байроғи билан саҳна тўсилади ва экранда қора кийимдаги жаллод пайдо бўлади. Мажиддин Мўмин Мирзони алдаб чақиради. Шаҳзодани шу ерда кўзбойлоқчининг томошаларига маҳлиё ҳолда кўрамиз. Режиссёр бу йўл билан қатл арафасида турган Мўмин Мирзонинг ёшлигини, ҳаётда ҳали ҳеч нарса кўрмаганини таъкидлайди.

Умрида зиндон остонасини хатлаб ўтмаган шаҳзоданинг қоронғу зах хонага тушиши, оёғи бехосдан найзани туртиши, найза фонусга тегиб кетилганда эса кадрда оқ-қора тусларнинг пайдо бўлиши содир бўладиган фожиани олдиндан таъкидлаб тургандир.

Султон саройидаги тожу тахт, зинапоя, ҳатто ерга қора мато ташланган. Ҳусайннинг ўзи ҳам бошдан-оёқ қора либосда севикли набирасига мотам тутаётган эди. Саройга оппоқ либосда Алишер кириб келади. Тасаввур қилиб кўринг-а, неча йиллар кўришмаган дўстларнинг учрашувини, айниқса қалби меҳрга ташна Ҳусайннинг ҳолини...

Навоий Мўмин Мирзонинг қатл этилганини эшитгандан сўнг саройда бир дақиқа қолмаслигини айтади.

Сенарийда ёзилиши бўйича Навоий қаршисида тиз чўккан Ҳусайннинг илтимосига, оҳига ҳам қарамай саройни бутунлай тарк этади. Сценарийдан келиб чиққан Асад Исматов ёлғиз қолган шоҳ ролини шундай эҳтирос ва меҳр билан ўйнайдики, атрофдагиларни, студия павилонидагиларни йиғлатиб юборади. Бундай ҳолда Навоийни тошбағирликда айблаш мумкин эди. Мен ҳам йиғидан ўзимни тия олмадим, — деб ёзади режиссёр. Шундан сўнг эпизодга ўзгариш киритишган, Султон Ҳусайн Алишер қаршисида тиз чўккanda қўлтиғидан кўтариб, мулойимлик билан эски қадрдон дўстига таскин беради. «Туринг ўрнингиздан, шоҳим, энди кўз ёш тўкишдан наф йўқ. Қуйинг, куйинаверманг. Мен ўз умримнинг ўтганига эмас, балки бутун умр сўқир одамнинг йўлига чироқ тутганимга афсусланаман».

Филмда Навоий ва Гули ўртасидаги муҳаббатни тасвирловчи кадрлар унчалик таъсирчан эмаслигини, нозик табиатли шоир Ҳусайн Бойқаро шароб ичиб, кўчқор уриштириб маишат билан овора ҳолда тасвирланишини ҳозирги кунда қабул қилиш қийинлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Шунингдек, Навоийни билмаган халқлар ҳам филмни кўришини назарда тутиб, бинобарин мазкур кино тасмасида шоирнинг ўлмас сатрлари жаранглаши, ижод билан машғул ҳолатларини тасвирлашга уриниб кўриш керакмиди, деган мулоҳаза ҳам пайдо бўлади.

Ҳа, «Алишер Навоий» экранда 50 йил умр кўрди. Айрим қусурлардан қатъий назар, у кино санъатига ҳам, томошабинга ҳам ҳали кўп хизмат қилади.

**Шоира ИБРОҲИМОВА**

# МИЛЛАТМИ ЁКИ СИНФ?

**Давоми. Боши биринчи бетда**

Ҳозирги пайтда илғор давлатларда заводда, фабрикада, нақлиёт ва алоқада банд ишчилар аҳолининг йигирма-йигирма беш фоиздан ошмайдиган қисмини ташкил қилади, холос. Улар йил сайин, илмий-техника тараққиёти туфайли, янада камайиб боришлари муқаррардир. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, илғор мамлакатлардаги илмий-техниканинг йил сайин янгидан-янги ютуқларга эришиши боисида ишчиларнинг моддий ва маданий ҳаёти яхшиланиб боради. Уларнинг инженер-техниклар табақаси билан ҳар томондан яқинлашиши натижасида ишчилар билан зиёлилар орасидаги фарқ ва тафовутлар аста-секин йўққа чиқа бошлайди ва бошламоқда.

Ўзбекистон илғор давлатлар қаторидан ўрин олмоқчи экан, жаҳон бўйлаб илғор мамлакатларда содир бўлаётган туб ўзгаришларни инкор қила олмайди. Биз бу ўзгаришларни диққат билан ўрганишимиз ва шунга қараб ҳаётимиз қоидаларини аниқлаб олмоғимиз зарур.

Биринчидан, илғор давлатларда Маркс-Энгелс таълимотининг ишчилар синфининг жамиятдаги ҳал қилувчи роли ва ўрни ҳақидаги қоидаси ўз кучини йўқотганини биз ҳар доим кўзда тутишимиз даркор.

Иккинчидан, Ўзбекистон ҳали нисбатан ривожланаётган давлат эканлигини ва шу сабабли ишчилар синфи бу ерда салмоқли ўрин тутишини инобатга олиб, давлатимиз токи илғор давлатлар даражасига кўтарилгунча, бу синфга етарли эътибор ажратиб туришимиз лозим.

Ва, учинчидан, энг муҳим масала шундан иборатки, давлатимиз илғорлик томон одимлашининг бошланишида, биз амалий фаолиятимизда қайси кучга суянишимиз керак, қайси омилни энг жиддий куч деб билиб, унга имтиёз кўзи билан қарашимиз керак, деган масала туғилади.

Мана бу масалани ҳал қилишда жуда катта руҳий тўсиқларга дуч келамиз, чунки ўтмишнинг юки қанчалик оғирлиги билинмоқда.

Илғорлик учун курашнинг ҳал қилувчи палласига яқинлашмоқдамиз. Бундай масъулиятли даврда давлатимизда ким ҳал қилувчи куч хизматини бажаради, деган саволга аниқ ва тўла исботланган жавоб олишимиз керак.

Шундай куч ўзбек халқидир. Бу фикримизни ўқиб, баъзилар чўчиб кетиши, баъзилар эса ҳайрон бўлиши мумкин. Чунки бундай фикр юритишни узоқ йиллар давомида бизга тақиқлаганлар, «миллатим» дейиш оғир сиёсий айблашларга сабаб бўлган.

Энди бу «кўрсатмалар» ва тақиқлар ўз кучини йўқотди. Энди биз учун ўз сиёсатимизни аниқлашда ва белгилашда ҳал қилувчи манба — илғор давлатларнинг амалиёти ва тарихий босиб ўтган йўли ҳамда тажрибасидир. Илғор давлатлар амалиёти ва тарихи шуни кўрсатадики, ўзларининг узоқ йиллар давом этган курашлари натижасида мустақилликка эришган халқлар ўз миллий давлатларини тузиб, уларнинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги учун жон фидо қилиб, шу давлатлар тараққиёти ва гуллаб-яшнашининг ҳал қилувчи кучи бўлганлар ва ўша давлатларда ўз мавқеларини шу кунларгача янада яққолроқ намоён қилиб келмоқдалар.

Мустақил давлат тарихий вазифаларини муваффақиятли бажарсин учун у ўзининг умумий онгига ва унинг муайян шаклларига эгадир. Мана шу умумий ижтимоий онгимиз ўтмишдаги тарғибот ва ташвиқотнинг, мафкура ва давлат тизимининг таъсирида ҳамда тазйиқида бир томонлама шаклланган эди ва асл моҳияти билан ягона бир миллатни чексиз равишда улуғлашга, шу йўл билан барча миллат ва элатларни у миллат билан мумкин қадар тезроқ қўшиб юборишга қаратилган эди.

Энди, мустақиллик муносабати билан жамиятимиздаги вазият тубдан ўзгарди. Ягона бир миллатга сажда қилишдан қутулдик. Ва, айни вақтда ягона бир синфни улуғлаш тамойилидан ҳам озод бўлдик. Ўтмиш бизга сунъий равишда, зўравонлик билан «етакчилар»ни белгилаб бергани қандай оқибатларга олиб келганини кўриб, шоҳиди бўлиб турибмиз.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юқорида қайд этиб ўтилган фикрлар гўёки кундалик ҳақиқатга, ўз-ўзидан аён нарсаларга айланди. Афсуски, ҳамма учун эмас. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса, ўтмишнинг назарий, мафкуравий, маънавий ва маърифий «меросидан» осонликча қутулиш мумкин эмаслигини кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз. Бундай ҳолатни авваламбор мустақилликнинг назарий масалаларини бўш ва суст ёритишда сезмоқдамиз. Олимлар, жамиятшунослар, тадқиқотчилар аксаран тоталитар тузум қарорлари асосида ишлашга одатланган эдилар . Мустақил фикр юритиш ўрнига «юқоридагилар» — партия вазифадорларининг хулоса ва қарорларини маъқуллашдан нарига ўтмас эдик.

Ҳозирги даврда жамиятшунос олимларнинг диққат марказида миллатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш масаласи туриши зарур. Маълумки, коммунистик таълимот бўйича миллий масала — иккинчи даражали, тобе, ишчилар синфига қарам масаладир. Бу таълимот тарих саҳнига чиққандан сўнг ўтган бир ярим аср шуни кўрсатдики, бу назарий қоида мутлақо хато экан. Тарихий вазият ва мавжуд шароитга қараб, миллий масала биринчи ўринга чиқиб, бошқа ҳамма масалаларни ривожлантириб, эргаштириб бориши мумкин экан. Буни, масалан, Болтиқбўйи, Чечен, Югославия, Абхазия, Фаластин, Шарқ мамлакатларидаги ҳодисалар ва мисоллар тасдиқламоқда. Чунки у фожиаларнинг ҳаммаси миллий масалага юзаки қарашнинг, йирик миллатлар раҳбарлари томонидан кичик миллатларни менсимасликнинг оқибатидир.

Ўзбекистон мустақиллиги жамият тараққиётини икки асосий йўналишда тезлаштиради: биринчидан, давлатимиз ўз ички ва ташқи имкониятларидан тўла фойдаланиб, аҳолини бозор иқтисодига тортиб, жамият фаровонлигини янги даражага кўтаради; иккинчидан эса, ушбу мустақил давлат аҳолисининг асосини, ўзагини ташкил қилувчи миллат олдида кенг имкониятлар очади, унинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшаётган улушини оширади.

Инсоният тараққиёти, биринчи навбатда, ҳозирги замон миллатларининг ривожланиши орқали амалга ошади. Шундай экан, кимки инсоният тараққиётининг тарафдори экан, у бор кучи ва салоҳиятини ўз миллатини ривожлантириш, гуллатиш-яшнатишга қаратиши даркор. Мустақил давлат ана шу миллатни кўтариш вазифасини ҳал этишнинг энг муҳим воситаси ва омилидир.

Миллатнинг бошчи бўлиши осон эмас. Бунинг учун авваламбор халқимиз фан ва техникани эгаллаш соҳасида, илғор замонавий технологияни ўзлаштиришда ҳормай-толмай, кеча демай, кундуз демай ўз устиларида ишлашлари лозим. Яъни биз, расмий равишда Ўзбекистоннинг биринчи халқимиз дейишимиз билан бу мураккаб муаммо ҳал бўлиб қолмайди; биз меҳнатимиз, қунтимиз, малакамиз, янгиликка интилишимиз, тадбиркорлигимиз, ташаббускорлигимиз, ўз ички имконият ва салоҳиятларимизни тўла сафарбар қила олишимиз билан бошчи бўлишга ҳақимиз борлигини кўрсатайлик. Ана ўшандагина биз билан ёнма-ён истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари бизга қойил қоладилар ва ўтмишда учраган ўзбекларга нисбатан ҳомийлик кўзи билан қараш, баъзида эса ҳатто кибр-ҳаво билдиришга ўрин қолмайди. Бундай кайфиятлар ўз-ўзидан сўнади.

Бу оддий ҳақиқатларни ҳаммамиз ҳам тушунавермаймиз. Кўпчилигимизнинг саъй-ҳаракатимизни, ғайрат ва шижоатимизни сустлаштирадиган нарса, Президентимиз И. А. Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, — қарамлик, боқимлик кайфиятлари, уларнинг оқибати сифатида эса — сусткашлик, ўзибўларчиликдир. Бу балоларни ўзбек маърифатпарварлари, халқимизнинг биринчи оташин ўғлонлари жуда яхши тушунганлар ва ҳар қадамда, ҳар сўз ва шеърларида «Халқим, уйғон!» деб, оммага мурожаат қилганлар.

Бу вазифаларни амалга ошириб, биз миллат сифатида ҳозирги замон талаблари миқёсига кўтариламиз, яъни республикамиздаги бошқа миллатлар вакилларига бўлган ҳурмат ва иззатимизни эски вақтдаги сунъий шакллардан янги давр, янги техникавий, илмий ва технологик, сиёсий-ижтимоий маданият даражасига тенглаштирамиз. Шу асосда давлатимиздаги барча миллат ва элатлар вакиллари ўзбек миллати атрофида бир оила бўлиб жипслашадилар.

**Қўчқор ХОНАЗАРОВ,**
**професоор**

